

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашдан иборат.

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

терроризм — сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишига, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши ёки бошқа жиноий қилмишлар;

террорчилик гурӯҳи — олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гурӯҳи;

террорчиликка қарши операция — террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни заарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи;

террорчилик фаолияти — террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият;

ҳалқаро терроризм — бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

4-модда. Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари
қонунийлик;

терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги;

терроризмга қарши кураш ошкора ва ноошкора усуулларининг уйғунлиги;

5-модда. Террорчилик фаолиятининг олдини олиш

Қўйидагилар тақиқланади:

террорчилик гурӯҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши;

террорчилик фаолиятига даҳлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши;

6-модда. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлиги

П. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Қонунига мувоғиқ чиқариб ташланган — Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари

террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан ҳалқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади;

террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди;

чегара олди миңтақасида ва чегара олди зонасида террорчиларни, террорчилик гурухларини аниқлайди, заарсизлантиради, қаршилик кўрсатилган тақдирда эса уларни йўқ қилиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шунингдек чет эл давлатлари, ҳукуматлари бошликлари ва ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда мазкур давлат (ҳукумат) бошликлари ва ҳалқаро ташкилот раҳбарларининг хавфсизлиги ҳамда қўриқланишини таъминлайди;

террорчиликка қарши курашувчи бўлинмаларнинг террорчиларни, террорчилик гурухларини аниқлаш, заарсизлантириш ва йўқ қилиш ҳамда террорчилик ташкилотларини тугатиш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа обьектларнинг қўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонунiga мувофиқ чиқариб ташланган — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

ўз тасарруфидаги ҳарбий обьектларнинг қўриқланиши ва мудофаа қилинишини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15-модда. Террорчилик ҳаракатига чек қўйиш

16-модда. Террорчиликка қарши операцияга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш

Терроризм таҳдидини заарсизлантириш ва тугатиш учун жалб этиладиган тузилмалар ва бўлинмаларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича заруратга қараб штаблар тузилади.

Террорчилик ҳаракатининг хусусиятига қараб жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлигини, моддий бойликларни сақлаш, гаровда ушлаб турилган шахсларни озод этиш, шунингдек қуч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш имкониятини ўрганиш мақсадида террорчилар билан музокаралар ўтказилиши мумкин.

Террорчилар билан музокаралар олиб борилиши уларни содир этган жиноий қилмишлари учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси ёки шарти бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

18-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонанинг чегаралари

19-модда. Террорчиликка қарши операция ўтказаётган шахсларнинг операция ўтказиладиган зонадаги хукуқлари

зарурат бўлганда транспорт воситалари ва йўловчиларнинг кўча ва йўлларда ҳаракатланишини вақтинчалик чеклаш ёки тақиқлаш, транспорт воситаларини, шу жумладан дипломатия ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг ва фуқароларнинг транспорт воситаларини жойнинг айрим участкаларига ва обьектларга киритмаслик, фуқароларни жойнинг айрим участкаларидан ва обьектлардан чиқариб юбориш, шунингдек маҳсус рухсатномаси бўлмаган транспорт воситаларини шатакка олиб чиқариб ташлаш чораларини кўриш;

хукуқбузарликлар содир этган ёки террорчиликка қарши операция ўтказувчи шахсларнинг қонуний талабларига тўсқинлик қилишга қаратилган, шунингдек террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зонага рухсатсиз кириш ёки киришга уриниш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этган шахсларни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш;

террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонага кираётган (транспорт билан киришда) ҳамда мазкур зонадан чиқаётган (транспорт билан чиқишида) жисмоний шахсларни шахсан кўриқдан ўтказиш, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда бу воситаларда олиб ўтилаётган юкларни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриқдан ўтказиш;

террорчиларга нисбатан қурол ва жанговар техниканинг мавжуд турларини ҳамда маҳсус воситаларини қўллаш.

Террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаолияти жойлардаги террорчиликка қарши операция ўтказиш раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

террорчиликка қарши операция ўтказишнинг маҳсус техникавий усулларини ҳамда тактикасини очиб берадиган;

террорчиликни тарғиб қилишга ёки оқлашга кўмаклашадиган;

21-модда. Террорчиликка қарши операциянинг тугатилиши

IV. ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ВА ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ

Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарар қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

24-модда. Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси

Террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

25-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этаждан, хукуқий ва ижтимоий ҳимояланиши зарур бўлган шахслар

Қуйидагилар хукуқий ва ижтимоий ҳимояланиши лозим:

террорчилик фаолиятининг олдини олишда, уни аниқлашда, унга чек қўйишида, уни тергов қилишда ҳамда унинг оқибатларини минималлаштиришда терроризмга қарши курашни амалга ошираётган давлат органларига доимий ёки вақтинча кўмаклашаётган шахслар;

иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари, агар уларнинг ҳимояланишини таъминлаш зарурати мазкур шахсларнинг терроризмга қарши курашдаги иштирокига боғлиқ бўлса.

26-модда. Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахслар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш

Терроризмга қарши курашда иштирок этган шахс террорчиликка қарши операция ўтказишида майиб бўлган ва бу унинг меҳнат лаёқатини йўқотишига ҳамда ногиронликка олиб келган тақдирда унга бир йўла бериладиган нафақа тўланади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ногиронлик пенсияси тайинланади.

27-модда. Кўп йил ишлаганликни имтиёзли ҳисоблаш

Террорчиликка қарши операция ўтказишида иштирок этишга жалб қилинган мутахассислар ва бошқа шахсларга пенсия тайинлашда мазкур операцияда иштирок этишнинг ҳар бир куни уч кунга ҳисобланади.

VI. ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОК ЭТГАНЛИК ҲАМДА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Террорчилик фаолиятида иштирок этаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

29-модда. Террорчилик фаолияти учун ташкилотнинг жавобгарлиги

Террорчилик ташкилоти деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли молмулк мусодара этилади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

30-модда. Етказилган зарар учун жавобгарликдан озод этиш

31-модда. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

емократия, Инсон Хукуклари ва Мехнат Бюроси томонидан тайерланган

Конституция виждан эркинлиги ва дин билан хокимиятни алоҳида эканлигини таъминлайди;

бирок амалда хукумат бу хукукларни чеклашда давом этди. Хукумат асосий оқим деб хисоблаган

диний гурухларнинг фаолиятига рухсат беради. Бу гурухларни рухсат этилган исломий, яхудий,

рус православ черкови ва бршка турли христиан гурухлар - Рим католиклари, лютеранлар ва

баптистлар ташкил этади. Узбек жамияти, умуман олганда, христиан черковларига нисбатан, агар

ушбу черковлар этник узбекларни уз динига оғдиришга харакат килмасалар, багрикенглик билан

муносабат билдирадилар; қонун миссионерликка қарши чиқади еки бундай фаолиятни, ҳамда

дений адабиетларни мамлакатга олиб кириш ва таркатиш ва хусусий равишда диний таълим

беришни катъий чеклайди.

Ушбу хисобот даврида, айрим пятидесятникчилар ва бошка христиан гурухлар учун виждон

эркинлиги чекланиб, ушбу масалада ахволнинг узига хос огирашуви кузатилди. Бир катор

оазчиликни ташкил килган диний гурухлар, улар орасида баъзи бир христиан окимлар, конун

томонидан куйилган каттик руйхатга олиш талабарини кондира олмаганлиги сабабли руйхатдан

утмаган холда фаолият курсатишда давом этишди. Утган даврдаги каби, этник узбеклар аъзо

булган протестант гурухлар узларига нисбатан зуравонлик ва куркув мухитида фаолият

курсатаетганликлари хакида хабар беришди. 2006 йил кучга кирган янги жиноий низомни

куллаган холда, хукумат 2 нафар пасторга нисбатан жиноий иш кузгатди. Уларнинг бирига 4 йил

мухлатга озодликдан маҳрум этилиб жазони ахлок тузатиш муассасида уташ хукми чикарилган;

иккинчисига шартли хукм чикарилди ва синов муддати белгиланди. Хукук-тартибот ходимлари

айрим руйхатдан утмаган гурухлар манзилларига рейдлар уюштириб уларга нисбатан тазийик

куллади, хамда уларнинг бошликларини ва аъзоларини хибсга олди ва уларга жарима солди.

Хукумат ноконуний исломий экстремист гурухларга хайрихохлиқда ва аъзоликда айланган

шахсларни узок муддатларга озодликдан маҳрум килиш кампаниясини давом эттириди. Уларнинг

купчилигини такик этилган Хизбут-Тахрир исломий экстремистик сиесий харакати ва

таъкикланган исломий гурӯҳ Ақромийлар еки аник бир тавсифга эга булмаган «Ваҳобий»

гурухларига аъзоликда гумон килингандарни ташкил этди. Умуман олганда, руҳсатномаси бор

масжидларда ибодат килувчиларга хукумат ҳалакит килмади, ҳамда янги исломий нашр, аудио ва

видео материаллар чоп килиш учун руҳсатномалар берди. Оз сонли «яширин» масжидлар диний

мулозимлар ва хавфсизлик хизмати ходимларининг каттиқ назорати остида фаолият юритди.

Умуман олганда, диний гурӯҳларга нисбатан багрикенглик муносабатини мавжуд: бирок,

кушнилар, оила ва иш берувчилар миллати узбек булган христианларга, асосан бу динни

эндигина кабул килган шахсларга ва катта булмаган шахарлардаги узбек христианларга тазиқ

утказиша давом этдилар. Миссионерлик ва исломни тарқ этиб бошқа динни кабул килганларни

коралайдиган диний маъruzalар хакида бир канча хабарлар бор. Пятидесятникларнинг бош

руҳонийси унинг черкови давлат телевидениеси томонидан курсатилган христиан

евангелистларига карши хужжатли фильмда аник тасвирлангандан сунг каттиқ калтакланди.

Утган йиллардагидан фарқли уларок, ушбу хисобот даврида, факат бир нафар шахсга нисбатан

ХТ варакасини таркатиш айблови қуйилди, ушбу варакалар матнининг купчилигига анти-семит руҳдаги мавзуу кутарилади.

АКШ хукумати инсон хукукларини олга суриш сиёсатининг бир кисми сифатида, виждон

эркинлиги масаласини Узбекистон хукумати билан мухокома килиб боради. АКШ элчихонаси

диний эркинликни фаоллик билан кузатиб боради хамда хукумат вакиллари, диний етакчилар ва

инсон хукуклари фаоллари билан мулокот килиб туради. Элчихона диний багрикенгликни таргиг

килишга ва диний эркинликни кенгайишига йуналтирилган алмашинув ва таълим дастурларига

хомийлик килди. 2006 йил 14 ноябр куни АКШ Давлат котиби Халкаро Диний Эркинлик Актига

биноан Узбекистонни диний эркинликни ута купол равишда бузган алохида ташвишга сабаб

булган давлатлар руйхатига киритди.

I кисм. Диний демография

Мамлакатнинг худуди 172,742 кватрат милни ва ахолиси сони тахминан 27,8 миллион кишини

ташкил этади. Халкаро экспертларнинг фикрига кура, утган йиллар ичida 2-3 миллион фукаро

чет мамлакатларга чикиб кетган. Бунга сабаб, ахоли уртасида Узбекистондан иш излаб кушни мамлакатларга, Россия, Жанубий Корея еки Якин Шаркка кетиш сонининг усишидир. Ахолининг тахминан 80 фоизини узбеклар, 5,5 фоизини руслар, 5 фоизини тожиклар, 3 фоизини козоклар, 2,5 фоизини коракалпоклар ва 1,5 фоизини татарлар ташкил этади. Диний гурухларга аъзолик тугрисидаги хеч кандай расмий статистика мавжуд эмас; бирок, тахминларга кура, ахолининг 90 фоизига якини ханафийлар мазхабига мансуб сунни мусулмонлардир. Шиа мусулмонлари асосан Бухоро ва Самарканд вилоятларида истикомат килиб ахолининг тахминан 1 фоизини ташкил килади. Ахолининг тахминан 5 фоизини рус православлари ташкил этади. Бирок бу ракам этник руслар ва славянлар Узбекистондан кучиб кетаетганликлари сабабли тобора камайиб бормоқда. Сон жихатдан усиб бораётган мусулмонлар ва рус православлари уз динларига эътиқодда фаоллик курсатмоқдалар. Хозирда, Тошкендан ташкарида мусулмонлар купчиликни ташкил килади. Хисобот уз ичига олган даврида, масjidга ташриф буюрувчилар сони сезиларли дараҷада ошди. Ушбу, курсатгич асосан ешлар орасида баландир. Ешлар ибодат килувчиларнинг асосий кисмини ташкил этади. Ахолининг колган 3 фоизини кичик жамоатлар - Рим католиклари, Корея христианлари, баптистлар, лутеранлар, Иегова Гувохлари, еттинчи кун адвантистлари, евангелистлар ва пятидесятникчилар черкови, буддистлар, бахаййлар ва Хари Кришначилар

хамда атеистлар ташкил этади. Бундан ташкари, Узбекистонда колиб кетган тахминан 15,000-20,000 ашкенази ва Бухоро яхудийлари яшайди. Улар асосан Тошкент, Бухоро ва Самарканда истикомат килишади. Камида 80,000 яхудийлар Истроил ва АКШга сунги 20 йил ичидаги кучиб кетишган.

II кисм. Диний эркинлик

Конун/сиесат доирасида

Конституция виждан эркинлигини таъминлайди; бирок, хукумат ва конун бу каби хукукларни амалда чеклайди. Бундан ташкари, Конституция дин билан хокимиятни алоҳида эканлиги тамойилига асос солган. Хукумат диний гурӯҳларга сиесий партиялар тузишни ва ижтимоий харакатларга асос солишни такик килади.

Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисидаги конун (1998 йил кабул килинган «Дин тугрисидаги конун») эътиқод эркинлигини, эътиқоди туфайли таъкиб килмасликни, дин билан хокимиятнинг алоҳидалигини, имом ва рухонийларни уқитиш учун мактабларни ташкил этиш

хукукларини таъминлайди; бирок, бу каби хукуклар факатгина руйхатдан утган гурухларга берилади. Бундан ташкари, агарда баъзи диний эркинликлар миллий хавфсизликка зид деб топилса, конун уларни чеклайди, хамда миссионерликни такик этади, диний фанларни урта таълим мактабларда уқитишни такик этади, диний тамойилларни хусусий тарзда таргиги килишга йул кўймайди. Конунга биноан, диний гурухлар уз адабиетларини нашр килиш еки тарқатиш учун рухсатнома олишлари шарт. Вазирлар Махкамаси кошидаги Диний Ишлар Кумитаси (ДИК) барча диний адабиетларни тасдиқлаши шарт.

1998 йил кучга кирган «Дин тугрисидаги конун» барча диний гурухлар ва мазхаблардан руйхатдан утишни талаб килади, хамда руйхатдан утиш учун машакатли ва мурракаб талабларни куяди. Бу каби талаблар орасида, конун хар бир гурухдан ташкилотнинг маҳаллий булимига аъзо булғанларнинг камида 100 нафарининг руйхатини Адлия Вазирлигига (АВ) тақдим килишни назарда тутади. Ушбу талаб хукumatга хар кандай гурухнинг руйхатга утиш тугрисидаги аризасига моънелик килишда ва унинг фаолиятини такик этишда техник асос булишда кул келади. ДИК мамлакатдаги диний фаолиятни назорат килиб туради. Янги курилган ва илгари епилган масжидлар руйхатдан утишда кийинчиликларга дуч келишда давом этмоқдалар.

Конунга кура, агарда диний гурухлар узларининг марказий бошкарув идораларини руйхатдан

утказмаган булсалар, уларга диний ходимларни тайерлаш такик этилади. Марказий бошкарув

идорасини руйхатга олиш учун, ушбу идоранинг 13 вилоятдан 8 тасида руйхатдан утган

гурухларга эга булиши талаб килинади. Бу эса купгина диний гурухлар учун амалга ошириб

булмайдиган талабдир. Диний ходимларни конунан тайерловчи 6 та шундай ташкилот мавжуд.

Конунга кура, диний таълим факат руйхатдан утган мадрасаларда ва давлат томонидан

тасдиқланган уқитувчилар томонидан берилади. Конун хусусий тарзда диний дарс беришни такик

этади ва бу конунни бузганларга жарима солади. Конун урта мактабларда диний дарсликларни

уқитишни такик килади.

«Дин тугрисидаги конун» нинг 14 моддаси жамоатчилик жойларда диний либосларни кийишни

такик килади. «Диний ташкилот хизматчилари» бундан мустасно.

Жиной ва Фукаролик Кодекси «Дин тугрисидаги конун»ни ва бошка диний фаолиятга тааллукли

низомларни бузувчилар учун куп микдорли жарима солишликтин назарда тутади. Бундан

ташкари, ноконуний диний гурухни ташкил килишни такик этувчи фаолиятлар жумласига,

бошқаларни бу каби ташкилотларга аъзо булишга даъват этишни, вояга етмаганларни уларнинг ота-оналари рухсатисиз диний ташкилотларга жалб этиш холлари хам киради. Руйхатдан утмаган хар қандай диний ташкилот томонидан амалга оширилган диний маросим ноконуний хисобланади.

Жиноий кодекс «ноконуний», яъни талаб даражасида руйхатдан утмаган гурухлар ва «такик этилган» гурухлар, жумладан Хизбут-Тахрир (ХТ) исломий экстремистик сиесий партияси,

Таблиги Жамоат ва бошка «Вахобий» деб аталмиш гурухлар уртасида расман фарк борлигини белгилайди. Кодекс ноконуний диний гурухга асос солишни еки руйхатдан утишликка рухсат берилмаган еки таркатиб юборилиши буюрилган гурухнинг фаолиятини кайтадан янгилашни 5

йилгача жазо тайинланадиган жиноят деб белгилайди. Бундан ташкари, кодекс, бу каби гурухда аъзолик учун 3 йилгача озодликдан маҳрум килишни назарда тутади. Кодекс диний экстремист, фундаменталист, сепаратист ва бошка такик этилган гурухлар фаолиятига «асос солиш ва катнашиш» учун 20 йилгача булган муддатга озодликдан маҳрум килишни таъминлайди (агар

жиноят «огир окибатларга» сабаб булса). Утган даврда, судлар ноконуний ва такик этилган ташкилотлар уртасидаги фаркка ахамият бермасди ва купгина холатларда тасдикланмаган

мусулмон гурухлари аъзолари устидан иккала модда остида айблов укирди. Ушбу хисобат

даврида бу каби амалиет тугрисида хеч кандай хабарлар булмади.

Маъмурий органлар фукароларни диний фаолияти учун айблашда Жиноят Кодексининг асосан

куйидаги моддаларини куллайдилар: 159-модда (анти-конституцион фаолият); 216-модда

(ноконуний диний ташкилотларни еки жамоатчилик уюшмаларни ташкил этиш); 216-модда, 2-

кисм (диний ташкилотлар тугрисидаги конунга хилоф фаолият юритиш, миссионерлик

фаолиятини хам уз ичига олади); 244-модда, 1-кисм (жамоатчилик тартибига ва хавфсизлигига

хавф тугдирадиган материалларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш); ва 244-модда, 2-кисм (диний

экстремист, сепаратист, фундаменталист еки бошка такик этилган ташкилотларни тузиш,

бошкариш ва уларга аъзо булиш). Бу моддалар остида айиблланган фукаролар (асосан 244-модда,

2-кисм) купинча ХТга аъзоликда айиблланадилар.

Жиноий Кодекснинг (217-моддаси 2-кисми)га ва Маъмурий Кодекснинг (201 моддаси)га 2005

йилнинг декабрида кабул килинган кушимчалари ва узгартиришларига биноан, такрор килинган

диний конунбузарлик учун жарима микдори ошди ва эндиликда Жиноий Кодексга биноан энг

кичик ойликнинг (12,420 сумни) 200-300 баробарини, хамда Маъмурий Кодексга биноан 50-100 баробарини ташкил килади.

Маъмурий Кодексининг 2006 йилнинг июнида кабул килинган кушимчалари ва узгартеришларига биноан, «диний кулланмаларни ноконуний ишлаб чикариш, саклаш ва мамлакатга олиб кириш еки таркатиш» учун хусусий шахсларга нисбатан энг кичик иш хакининг 20 дан 100 баробарида жарима солинади, хамда ташкилотлар ходимларига нисбатан энг кичик иш хакининг 50 дан 100 баробаргача жарима солинади ва кулланмалар хамда «уларни ишлаб чикариш воситалари» мусодара этилади. Жиноий Кодекснинг 244-3 моддаси Маъмурий Кодексида кайд килинган модда остида бу каби жиноятни содир этган олдин судланган шахслар учун энг кичик иш хакининг 100 дан 200 баробарида жарима солади еки 3 йилгача тарбиявий меҳнат билан жазолайди. Жиноий ва Маъмурий Кодексларига бир вактнинг узида киритилган бошка узгартеришлари «иркий ва диний нафратни таргиб килувчи адабиетларни» нашр килиш ва таркатиш учун жазони назарда тутади.

Конун барча руйхатдан утган динларга нисбатан тенг муносабатда булса хам, давлат Ислом

Университетига ва исломий тарихий обидаларни саклаш учун молия сарфлайди. Ислом Таълими,

Фан ва Маданияти Ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент 2007 йилда 4 та ислом маданияти

пойтахтларининг бири сифатида эълон килингандигини нишонлаш максадида, давлат Узбекистон

Муслмонлар Идорасини кенгайтиришга ва ушбу мажмууда янги масжид хамда кутубхона куришга

кетган сарф-харажатни молиялаштириди. Давлат 5000 нафар танланган мусулмонларни хаж

сафарига боришини ташкиллаштиришда кумак курсатди. Утган даврда бу ракам 4200 ни ташкил

килганди. Хажга отланганлар сарф-харажатларни узлари тулашди. Давлат Мусулмонлар

Идорасини назорат килади ва уз урнида ушбу идора исломий тизимни, имомлар томонидан

утказиладиган диний маросимларни ва исломий адабиетлар хажми ва мазмунини назорат килади.

Мусулмонларнинг мукаддас байрами булмиш Курбон ва Руза хайитлари миллий байрам сифатида

нишонланади.

Давлат хануз Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти (EXXT)нинг демократик

муассасалар ва инсон хукуклари буйича 2003 йил килинган тавсияларини бажармаяпти.

EXXTнинг эксперталар кенгашининг холосасига кура, 1998 кучга кирган дин тугрисидаги конун ва

конуний нормалар виждон эркинлиги түгрисидаги халкар нормаларга зиддир. ЕХХТ

миссионерлар, хусусий диний мактаблар ва руйхатдан утмаган диний ташкилотларнинг

фаолиятларини такик этмасликни тавсия килганди.

Диний эркинликларнинг чекланиши

Хисобат даврида, хукумат томонидан диний эркинликларни сезиларли даражада чеклаш

холатлари кузатилди. Хукумат айрим диний гурухларни руйхатдан утказмасликни давом эттириш

билан, хамда илгари руйхатдан утганларни руйхатдан чикириш оркали уларни ибодат килиш

хукувидан маҳрум килди. Ушбу даврда, хукумат айрим фукароларни руйхатдан утиш

коидаларини бузган холда диний фаолият курсатганлари учун купгина диний маросимларни ва

фаолиятларни чеклади.

Мұтадил мусулмонларни маълум даражада куллаб-кувватласада, хукумат миллий хавфсизликка

оид хавотирларни рукач килган холда, экстремистик деб хисоблаган ислом ташкилотларини

такиклайди ва уларга аъзоликни жиноят деб баҳолайди. Такик этилган ташкилотларнинг

асосийлари бу Хизбут-Тахрир (ХТ), Узбекистон Ислом Харакати (УИХ), Акромийлар, Таблиги

Жамоат ва хукумат умумий килиб атайдиган Вахобий гурухлари. Давлат экстремистик гурухларга

аъзоликда айблангандарни махкум килишни диний эркинликни чеклаш деб эмас, балки давлатга

нисбатан куролли каршиликни олдини олиш деб атайди.

ХТ исломий экстремистик сиесий ташкилот булиб нафратни таргиги килади ва терроризм

амалларини олкишлайди ва худди шу пайтнинг узида узини зуровонликка карши эканлигини

билдиради. Ушбу партиянинг яхудийларга ва гарбга карши ашаддий адабиетлари ва Интернет

саҳифалари мавжуд конституцион давлатларни агдариб ташлаб бутун дунеда, жумладан

Марказий Осиеда, халифалик аталмиш ислом давлатини ташкил этишга чакиради. ХТ асосан

диний мафкурага асосланган сиесий ташкилот булгани ва терроризмни кораламагани учун

маъмурий органларнинг ХТ фаолиятини такик этиши ва унинг аъзоларини таъкиб килиши диний

эркинликларни чеклаш хисобланмайди. УИХ фаолиятини такик этилиши хам диний

эркинликларни чеклашга кирмайди. Сабаби, УИХ Наманганда асос солинган булиб у хозирда

АКШнинг террорчи гурухлар руйхатига киритилган. Ушбу ташкилот 1999 ва 2004 йиллари

Узбекистонда содир этилган инсонлар улимига сабаб булган бир катор портлашларда кули

борликда айибланади. Качон-ки бегунох инсонлар факатгина уз эътиқодлари учун бу каби гурухларда аъзоликда айибланиб керакли жараенсиз махкум этилса диний эркинликлар поймол булади.

Хукумат Акромийлар гурухи аъзоларига нисбатан тазикни 1997 йилдан бошлади. Диний экспертларнинг суzlарига караганда, Акромийлар бу норасмий жамоат булиб тадбиркорликни исломий тамойилларга асосланган холда юритишни таргиб килади. Хукуматнинг фикрича, ушбу гурух ХТнинг бир булими булиб унинг максадлари УИХ билан биргаликда 2005 йилнинг майида Андижонда куролли қузголон оркали мавжуд хукуматни агдариб ташлашга харакат килишдан иборат булди.

Таблиги Жамоат исломий даъват гурухидир. Ушбу гурухга Жанубий Осиеда асос солинган булиб уларнинг ибодат ва кийиниш, соч-сокол куйиш услублари Мухаммад давридаги турмуш тарзига асосланади; унинг аъзолари узларини ута художуй ва сиёсатдан узок деб айтадилар.

Бошка такик этилган гурухлар «Вахобийлар» деб аталмиш гурухларни уз ичига олади, ушбу

термин мамлакатда мавжуд хар кайси консерватив мусулмонга нисбатан кенг кулланилади.

Жумладан, хукумат «Вахобийлар» деб давлат томонидан тасдикланган масжидлардан ташкарида

ибодат килувчиларни, чет эл мадрасаларида илм олганларни еки 1995 йил изсиз йуколган

Андижонлик Имом Абдували Мирзаевнинг издошларини ва 1998 йил Козогистонга кочишга

мажбур булган ва БМТнинг Кочоклар Буйича Бош Коммисарияти томонидан 15 Март 2006 йил

бош-пана берилган Тошкентлик Имом Обидхон Назаровнинг шогирдларини ифодалаш учун

куллайди.

Утган хисобат даврларида, манбалар сузига караганда, руйхатдан утган имомларидан уларнинг

масжидига катнайдиган экстремистик окимларга мойиллиги бор шахсларнинг руйхатини бериш

талаб килинган экан. Ушбу хисобат даврида бундай холатлар кузатилмади. Бирок маълумотларга

караганда, хукумат айрим махалла кумиталарига ва имомларга экстремистик гурухларда

аъзоликка мойиллиги бор фукароларни аниклашни буюрган. Улар орасида доимијијравишида

ибодат килувчиларни еки эътиқод масалаларида фаоллик курсатган шахсларни анклашни

буюрилган. Хукумат имомлар маъruzаларининг мазмунларини ва нашр килинаетган исломий

адабиетлар хажмини назорат килиб туради.

Хукуматнинг диний экстремистликда айибланганларга булган кескин муносабати диндорларнинг

уз эътиқодларини хаддан ташкари намоиш этишда шаштини пасайтириб кўиди. Андижондаги

2005 йил май вокеаларидан сунг, Андижонда истикомат килувчи купгини фукаролар диний

экстремизда айбланиб хибсга олинди. Ушбу хисобот даврида, ишончли маълумотларга караганда,

маҳалла кумита раислари фукароларни масжидларда ибодат килишдан кайтаришда фаоллик

курсатдилар. Форум 18 ахборот хизмати хабар беришича, 2006 йил ноябрда хукумат имомларга

болаларнинг масжидларга чикмаганлиги маъкуллиги хакида курсатма таркатди, ҳамда баъзи бир

холатларда милиция ходимлари болаларнин жума номозидан кайтарган холатлари кузатилган.

Купгина манбаларнинг хабарига кура, мусулмонлар жамоатларида мухит утган даврдагига

нисбатан яхшиланди. Бирок, жума намозлари вактида масжидларда жой етишмаслиги сабабли

одамлар кучаларда ибодат килишга мажбур. Хукумат узининг такводор мусулмонлар устидан

булган назоратини бир оз камайтирди ва уларга назорат остидаги мухитда ибодат килиш учун

имкон яратди. Шундай булсада, хукук-тартибот ва миллий хавфсизлик ходимлари фаол равишда

масjid ва у ерга ташриф буюрувчилар фаолиятларини кузатиб хисобат туплаб юрган холатлари

кузатилди. Бундан ташкари, Тошкентдаги махаллий муттассадилар махалла раислари билан бир

катор учрашувлар уюштириб улар билан исломий тенденциялар суръатини пасайтириш хакида

мухокама килишди. Хабарларга караганда, бу каби учрашувларда мудассадилар оила бошларини

уз угилларини масжидга чикишдан кайтаришга ва уз кизларини хижоб урамасликка даъват

килишга чакиришган. Бундан ташкари, улар махалла раисларига урф булган исломий туй

маросимларига чек қуийш тугрисида курсатма берганлар. Хукумат хажга сафар килувчилар

сонини 5000 нафар еки хажга имкони бор ахолининг тахминан 20 фоизи (тахминан 25000 нафар

еки ахолининг хар 1 миллионига 1000 нафар) деб белгилади. Ахборотларга караганда, хажга

борувчиларнинг руйхати махалла қумиталари, махаллий хокимият, Миллий Хавфсизлик Хизмати

ва хукумат кошидаги хаж қумитаси томонидан тасдиқланган.

Хукумат вакилларининг купчилиги Иегова Гувохларига нисбатан уларни экстремист гурӯҳ деб

шубха билдиришди. Милициянинг факат ходимлар фойдаланиши учун чикарилган хужжатлари

Иегова Гувохларини УИХ ва ХТ билан бир каторда хавфсизлик учун хавф тугдирувчи гурӯҳ деб

аташда давом этмоқда. Махаллий мутассадилар ва диний идоралар вакиллари ушбу гурухнинг миссионерлик фаолияти буйича норозилик билдиришда давом этди. 2006 йилнинг 30 ноябряда ва 1 декабр кунлари давлат телевидениеси «Мунофиклик» деб номланган хужжатли фильмни намоиш этди ва Иегова Гувохларини Япониядан ташкил топган Аум Шинрикё ташкилоти билан боғлади.

Баъзи бир масжидлар руйхатга утиш буйича кийинчиликка юз тутдилар. Форум 18 нинг 2003 йилда берган хабарига кура, тахминан 500 киши байрам кунлари ибодат киладиган Намангандаги Панжара масжиди хукумат томонидан 1998 йил епиб куйилган ва бир неча йил мобайнида руйхатга утиш учун бесамара харакат килган. Жанубий ва шаркий Фаргона вилоятида жойлашган бир катор масжидлар сунги йиллар ичida бу каби руйхатга утиш муаммолари хакида хабар беришди. Улар хали хануз руйхатдан утказилмаганлар, вахоланки улар руйхатга утиш учун керакли одамлар сонини тақдим этишган. Фаргонанинг Охунбобоев туманида жойлашган махаллий ахоли томонидан молиялаштирилган Туман масжиди катновчилари 2004 йил суд томонидан руйхатга утиш талабларига карамай, фаолият курсатишда давом этди. Кам сонли

норасмий ва мустакил масжидлар расмий имомлар назорати остида жимгина фаолият курсатишга рухсат берилган.

Хисобат даврида, Иегова Гувохлари махаллий, вилоят ва республика микёсида руйхатга утиш учун аризалар топширдилар. Бирок улар на рад жавоби ва на бошка расмий жавоб олишди. Утган давр ичида бошка черковларнинг хам руйхатдан утиш харакатлари самарасиз булди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги Мирзо-Улугбек туманида жойлашган Бетани баптистлар черкови, Чирчикдаги Пятидесятникчилар черкови, Самарканнадаги Грейтер Грейс Христианлар черкови ва Коракалпогистоннинг Нукус шаҳридаги Эммануэл черковлаи бор. Ушбу хисобот даврида, бир катор халкаро ташкилотларнинг расмий ва конуний аризаларига карамай, Нукусдаги Мир (Тинчлик) черкови, Гулистондаги Хушхабар черкови, Андижондаги Пятидесятникчилар черкови ва Газалкентдаги Баптистлар черкови руйхатдан утказилмай колди.

Утмишда Коракалпогистонда тахминан 20 та Протестантлар черкови фаолият курсатган; бирок, хозирги кунда уларнинг канчаси фаолият курсатаетгани номаълум. 1999 йилдан бери баптистлар черковининг хеч бири муваффакиятли руйхатдан ута олмаган. Ушбу хисобат даврининг якунида,

мамлакатдаги 11 та Иегова Гувохлари гурухларидан факатгина 1 таси Чирчикда руйхатдан ута олган. 2006 йилнинг августида хукумат Иегова Гувохларининг Фаргонадаги булимини руйхатдан чикарди. Бунга сабаб килиб Дин тугрисидаги конунни бир катор моддаларини бузилишини курсатди. Улар орасида миссионерлик фаолияти, динлараро нифокни уругини сочиш, ва хусусий уйда учрашувлар ташкил килиш. Иегова Гувохлари ушбу карорга уз эътиrozларини билдириб ариза бердилар, аммо улар хисбот даврининг якунига кадар руйхатдан утмай колдилар.

2007 йилнинг 1 майига кадар, хукумат 2227 диний жамоат ва диний ташкилотларни - 2006 йилдагига нисбатан 3 тага купрок - руйхатдан утказди. Уларнинг 2046 тасини масжидлар, ислом таълим муассасалари ва ислом марказлари ташкил килди, бу эса 4 тага купдир. Мусулмон гурухлар орасида шиъа мазхаби хам бор. Христиан гурухларнинг сони 1 тага камайди. 181 та кичик диний гурухлар орасида 58 Корея христианлари, 36 рус православ, 23 баптистлар, 21 Пятидесятникчилар (Тулик Евангелия), 10 та Еттинчи кун адвентистлари, 8 та яхудий, 5 та Рим католиклари, 6 та бахайй, 3 та лютеран, 4 та Янги Апостоликлар, 2 та Америка Апостоликлари, 1 та Иегова Гувохлари, 1 та Кришна Виждан гурухи, 1 та Будда ибодатхонаси ва 1 та Христианлар «Худонинг Овози» черкови бор.

Ушбу хисобот даврида, айрим черковлар, жумладан этник узбеклардан ташкил топган аъзолари

булган евангелистлар черковлари руйхатдан утиш учун ариза бермадилар, чунки улар махаллий

мутассадилар уларга рухсатнома беришларига кузлари етмади. Бошка гурухлар, улар орасида

бир-икки аъзолари ариза бериб узларига нисбатан хокимият вакилларининг эътиборини

тортишдан кура, ариза бермаган маъкул деб топишди. Чунки улар конун куйган талабларни

кондира олмасликларига кузлари етишини айтганлар. Айрим бошка гурухлар хам уз

аъзоларининг руйхатини тақдим килишни хоҳлашмади, асосан этник узбеклар руйхатини, сабаби

улар олдинги руйхатдан утиш харакатларида тазийкка учраганлар. Бир-икки гурух принципдан

келиб чиккан холда руйхатдан утиш учун ариза бермади, чунки уларнинг ишонишича давлат

руйхатидан утказиш талабининг узи мунозаралидир.

Руйхатдан утиш учун гурухлар уз низомларида мавжуд манзилларини курсатишлари шарт. Ушбу

хисобот даврида, махаллий мутассадилар конуний манзилни тасдиқлашга монеълик билдирилар

еки булмаса бу каби талабларни жавобсиз колдирилар. Бу билан улар диний гурухларни

руйхатдан утказишга каршилик килдилар. Адлия Вазирлиги хам махаллий маъмурларнинг

карорини тушинтирад эканлар бу талабни рукач килганлар. 2007 йил 11 майда Сергели туман

хокимияти Иегова Гувохлари гурухини конуний манзилини тасдиқлашни рад килди. Ушбу хисобот даврида, Иегова Гувохларининг Самарканддаги, Когондаги (Бухоро Вилояти), Жиззах ва Ангрендаги гурухлари хам узларининг конуний манзилларини тасдиқлашни сураб ариза бердилар, бирок хеч кандай жавоб олмадилар. 2006 йилнинг 24 августида, Фаргона вилоятининг Адлия бошкармаси Иегова Гувохларини руйхатдан чикарди. Бунга сабаб килиб, уларнинг конуний манзилларидаги узгартеришни руйхатдан утказмаганликларини келтирди. Фаргонадаги ушбу гурух хокимият вакиллари уларнинг рухсатномаларини бекор килганда, улар янги хонадон сотиб олганларини ва эндиғина янги манзилни руйхатдан утказиш жараенида эканлигини тушунтируди. Ушбу гурух аъзолари хам миссионерликда айибландилар. 2007 йилнинг 12 июнида Фаргонадаги гурух яна бир бор конуний манзилларини тасдиқланишини талаб килди, лекин уларни талабига рад жавоби берилди. Тошкент Халкаро Черкови каби гурухлар конуний манзили тасдиқлаш кафолатланмас экан, кучмас мулк сотиб олишни хоҳлашмади. Бошка гурухларнинг фикрича, махаллий хокимият вакиллари манзилни руйхатдан утказиш масаласида уз раъйларидан келиб чиккан холда иш тутадилар. Сабаби, улар этник узбек аъзолари булган христиан черковлари мавжуд булишига карши.

Утмишда гурухларни руйхатдан утказишиликка каршилик килган бошка муаммолар руйхати; гурух тугрисидаги елгон маълумотлар; манзилни тасдиқлаш билан бөглиқ булган муаммолар; енгинга карши кураш, санитария ва эпидемиология идоралари томонидан нотугри тутатилган хужжатлар; гурухнинг узбекчада езилган низомидаги кайд этилган грамматик хатолар; ва бошка техник сабаблар.

Тошкент Халкаро Черкови протестантлар номазхабий черкови булиб, унинг рухонийлари факатгина Тошкентда фаолият курсатетган халкаро жамиятига тайинланади. Черков 100 нафар фукаролардан иборат аъзолик хакидаги талабни кондира ололмаслиги сабабли руйхатдан ута олмайди. Бу гурух хеч кандай каршиликка учрамаган холда узининг диний маросимларни хар кайси конуний руйхатдан утган баптистлар черковида доимий равишда утаб келмоқда.

Махаллий хокимият Евангелист/Баптист Христианлар Халкаро Черковлар Кенгашига алокадор баптистлар черковларига босим утказиши давом этди. Улар принципдан келиб чиккан холда, узиларининг барча булимларини руйхатдан утказиш талабини куйган холда, узлари руйхатдан утишни рад этиб келишмокда.

Давлатнинг миссионерликка карши сиесати туфайли, этник руслар, яхудийлар ва мусулмон булмаган чет элликлар учун бошка динни танлаш ва кабул килиш этник мусулмон гурухлар, жумладан этник узбекларга нисбатан анча осондир. Христиан черколарнинг асосий кисми агарда улар этник узбекларни уз динларига утказишга харакат килмасалар, bemalol фаолият курсатишлари мумкин. Этник узбеклардан иборат христианлар уз динларини беркитишга харакат киладилар ва баъзан уз ташкилотларини руйхатдан утказмасликка харакат киладилар. Улар узларига нисбатан буладиган карши харакатлардан чучийдилар. Карши харакатлар уларнинг конун талабларига риоя килаетганини текшириш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун хибсга олишдан иборат булиши мумкин. Турли миллатга мансуб аъзолардан иборат христиан гурухлар тез-тез муаммоларга дуч келадилар. Мисол учун руйхатга олишда рад жавоби еки жавобни кечиктириш еки узларининг этник узбек аъзоларига нисбатан махаллий хокимият томонидан булиши мумкин булган таъизийиклардан хавотир олган холда уларнинг руйхатини тақдим килмаслик.

Диний тамойилларни хусусий тарзда укитиш ва ота-оналари рухсатисиз вояга етмаганларга

диний таълим бериш ноконунийдир. Факатгина марказий идораси руйхатдан утган гурухларгина

конуний равишда диний дарсларни олиб бориши мумкин.

Узбекистонда 11 та мадраса (улардан 2 таси аеллар учун) мавжуд. Улар урта таълим муассасаси

хисобланади ва барча дуневий фанларни уқитади. Бундан ташкари, Тошкентдаги Ислом

Институти ва Ислом Университети олий таълим муассасаси хисобланади. Вазирлар Махкамаси

мадрасалар томонидан бериладиган дипломларни бошка дипломлар каторида куради. Бу билан

ушбу мадраса битирувчиларини олий таълим олишлари учун имкон яратади. Мадраса ва Ислом

институтидаги дарсликлар туплами талабаларнинг имом еки диний мўаллим булишга каратилган.

Давлат томонидан молиялаштириладиган ва ташкил этилган Ислом Университетида эса бунинг

акси, талабалар динни дуневий нуктаи назарда урганадилар. Ислом Университетини

битирувчилари тугридан-тугри имом була олмайдилар, баъзи бир битирувчилар имом булишлари

учун мадрасанинг стандарт курсини якунлашларига тугри келди.

Ушбу таълим муассасаларида тулик таълим олишдан ташкари, исломни урганувчилар учун бошка

расмий диний мактаблар мавжуд эмас. Имомларнинг сонининг усиши сабабли, улар норасмий

тарзда диний таълим билан шугулландилар; вахоланки, бу техник нуктаи назардан

ноконунийдир, аммо махаллий хокимият купгина холатларда бунга карши конуний чоралар

курмайди. Фаргона водийсининг ута диндор булган ва ахолиси зич худудларидағи 2 та мадраса

биноси хукумат томонидан тиббий муассасага айлантирилгандан сунг, улар фаолияти тухтатилди.

Давлат мамлакат ичида алохида шиъа мазхаби имомларини тайерлашга йул қўймайди ва бу

оркали шиъа мазхабининг таълимини чеклайди, ҳамда четда олинган бундай таълимни тан

олмайди. Бирок шиъа мазхаби имомлари сунни мазхаби учун шиъа мазхабининг фикхий масалари

буйича дарслар уқитиладиган мадрасаларида таълим олишади. Рус православ черковининг 2 та

манастирида (бири аеллар ва бошкаси эркаклар учун) ва уларнинг бирига тегишли бир катор

черковларида якшанба кунлари таълим берадиган семинария фаолият юритмоқда. Бошка диний

гурухлар таълимни узининг диний марказлари оркали олиб борадилар. Яхудийлар жамияти

раббилар идорасига эга эмас, сабаби улар конун талаб килганидек, узларининг марказий

идораларини руйхатдан утказишлари учун 8 та турли вилоятда жойлашган синагогалариға эга

эмаслар; бирок, Тошкентнинг Яккасарой туманидаги яхудийлар мактаби яхудийлар маданияти буйича таълим беради.

Адлия Вазирлиги аккредитация масалаларини назорат килади. Мамлакатда фаолият курсатмокчи булган хар бир нодавлат ташкилоти (ННО) учун аккредитациядан утиши шарт. Агарда Адлия Вазирлиги, бундай ташкилотлар миссионерлик билан шугилланаетган деб шубха килса, уларга нисбатан расмий айиблар куймай туриб хам мамлакатни тарқ этишларини талаб килиш хукукига эгадир. 1998 йил кучга кирга Дин тугрисидаги конун хар кандай миссионерлик фаолиятига йул куймайди.

2006 ва 2007 йиллари купгина халкаро ННОларнинг епилиши туфайли бир катор диний ташкилотлар уз фаолиятларини тухтатишга мажбур булдилар. 2006 йилнинг 6 сентябрида, Тошкент шахар суди АКШнинг Таълим ва Ривожланишдаги Хамкорлик (Partnership in Academics and Development (PAD)) ННОсининг Узбекистондаги ваколатхонаси чет эллик ходимларини миссионерликда айиблангандан сунг, унинг фаолиятига чек куйди. 2006 йилнинг 23 августида Тошкент шахар суди АКШнинг Crosslink Development International хайрия ташкилотининг

махаллий булимини фаолиятини тухтатди. Адлия Вазирлиги ташкилот ходимларини мусулмонлар

ва рус проваславлари орасида миссионерлик фаолиятини олиб борганликда айиблади. Америка-

Яхудий Кушма Таксимлаш Кумитаси (American-Jewish Joint Distribution Committee) махаллий

хамкор ташкилотларни руйхатдан утказишда маъмурӣ муаммоларга дуч келди. Сабаби, улар

диний ташкилот эдилар. 2003 йил Вазирлар Махкамаси томондан кабул килинган карор диний

ННОлар учун руйхатдан утиш талабларига узгартериш киритиб, улар фаолиятига нисбатан

талабларни кучайтириди.

2006 йил июнда хукумат куйидаги халкаро ННОларнинг ходимлари миссионерликда ва бир катор

конунларни бузганликда айиблангандаридан сунг, уларнинг фаолиятини тухтатди: Central Asia

Free Exchange (CAFE) and Global Involvement Through Education. Иккала ташкилот хам уз

фаолиятлари катъий равишда инсонпарварликка каратилганини таъминладилар.

Умуман олганда, хукумат вакиллари хусусий секторда фаолият курсатетган оддий фукароларга

нисбатан динга камрок берилган. Давлат сиесати дуневий карашларга асосланган ва давлат

ташкилотларида ишлайдиганлар бошкаларга нисбатан купрок назорат остидадирлар. Бундан

максад дин билан давлат структуралари уртасида чегара утказишdir.

Утган йиллардан фаркли уларок, христиан динини кабул килгандарга нисбатан махалла раислари

томонидан агарда улар черковга боришни тухтатмасалар мозордан кабр учун жой бермасликлари

түгрисида куркитишилар хакида ишончли манбалар хабар килмади.

Давлат томонидан назорат килинадиган оммавий ахборот воситалари баъзи холатларда еванглист

християнларга нисбатан ижтимоий газабни таргиб килади. 2006 йилнинг 30 ноябрида ва 1

декабрида давлат телевидениеси томонидан «Мунофиклик» деб номланган хужжатли фильмни

намоиш килди ва унда фукароларни евангелист християнлар, жумладан Пятидесятникчилар

билан алока килмаслик хакида огохлантириди. Бу курсатувдан сунг давлат томонидан назорат

килинадиган оммавий ахборот воситалари ва Интернет сахифалари ушбу мавзуга таъалукли бир

катор маколаларни чоб килди.

Хукумат талабига кура, барча диний адабиетлар ДИК томонидан тасдикланиши шарт. Бирок,

амалда эса бошка давлат ташкилотлари, жумладан Ички Ишлар Вазирлиги (ИИВ), Миллий

Хавфсизлик Хизмати (МХХ), божхона хизмати ва милиция узлари номаъкул деб билган

адабиетларни мусодара киладилар. ДИК марказий идораси руйхатдан утган диний

ташкилотларнинг диний адабиетларни нашр килиш, мамлакатга олиб кириш ва тарқатишни

назоратни кучайтирди. Хозирда бу каби ташкилотларнинг сони 7 та: Халкаро Евангелия

Жамияти; Узбекистон Мусулмонлари Идораси; 2 та ислом маркази; рус православ, Тулик

Евангелия, баптистлар, and Рим католиклари идоралари.

Хисобат даврида, хукумат узбек тилида чоб килинадиган узларининг марказий идораларини

руйхатдан утказган ва мамлакатга диний кулланмаларни олиб келиш хукукига эга булган

христианларнинг адабиетлари сонини чеклаб кўйди. Бундан ташкари, хукумат мамлакатга

конуний йуллар билан олиб кирилган узбек тилида нашр этилган христианлар адабиетларини

мусодара килди. Утган хисобот йилларида, хукумат вакиллари черков бошларига узбек тилидаги

барча кулланмалар, хатто улар конуний йул билан олиб кирилган булса хам, контрабанда деб

хисобланади деб айтганди. Умуман олганда, тарихий ва маданий сабабларга кура, евангелист

пасторлар рус тилида маъруза киладилар. Улар томонидан килинадиган узбек тилидаги - давлат

ва мусулмонларнинг асосий кисмига якин булган тилдаги - маърузаларнинг сони етарли эмас.

Ушбу хисобат даврида, ДИК айрим адабиетларга рухсат берди. Улар орасида баъзи китоб ва

Инжилнинг узбек тилидаги таржимасининг чекланган сондаги нусхалари. Хукумат Евангелия

Жамиятидан маълум вакт оралигида узининг нашриет, китобларни четдан олиб кириш ва

таржима фаолияти борасида хисбот беришни талаб килади.

Айрим холларда давлат ноконуний йуллар билан олиб кирилган диний адабиетларни мусодара

килиши ва йук килиб юбориши мумкин. 2006 йилнинг июлида божхона хизмати Чирчикдаги

Иегова Гувохлари номига жунатилган 500 дона рус тилида чоб этилган Инжил нусхасини ва

бошка адабиетларни тухтатиб колди. Бунга сабаб килиб, улар ДИК томонидан китобларга

мухтожлик йук деган важларни келтирди. Адабиетлар мусодара килиниб омборларга

жойлаштирилди. Иегова Гувохларининг китобларни Козогистонга жунатиб юбориш тугрисидаги

талабларга карамай, улар омборда саклаш учун пул тулашга мажбур булдилар. Баъзи холатларда

хукумат адабиетларни екиб юборади, улар орасидан руйхатдан утмаган диний жамоатлардан

мусодара килинган Инжил хам булиши мумкин. Форум 18 ахборот хизматининг хабарига кура,

2006 йил 27 августда Каршидаги баптистлар черковига уюштирилган рейд натижасида, суд мусодара килинган узбек тилидаги христианлар адабиетларини ва Евангелия нусхаларини хамда шеърлар тупламини ва куп сонли Кадимий Зоветдан олинган маколлар тупламини екиб юбориш хакида хукм чикарган.

Тошкентдаги халкаро почта булинмаси барча посылкаларни синчиклов билан текширади ва диний материаллар нусхаларни текшириш ва тасдиқлаш учун ДИКка жунатади. Агарда, ДИК ушбу материалларни такик этса, почта кабул килувчига кумитанинг эътирози хакида хат жунатади. ДИК христианлар ва мусулмонлар нашрларини Узбекистон худудига олиб киришга карши чиқди.

Хукумат мусулмонлар нашрларини якиндан назрат килиб турари ва мамлакат ичида чоб этиладиган хар бир нашр (китоб, китобча, компакт диск ва видео) учун рухсатнома ва уни берган манбаа номини курсатишни талаб килади. Купгина китоблар ичида «Ушбу китоб ДИКнинг рухсати билан нашр этилган» деган жумла мавжуд. Бу билан улар расмий рухсатнома бор эканлигига ишора киладилар. Умуман олганда, фактгина Узбекистон Мусулмонлари Идораси кошида фаолият курсатаетган «Мовароуннахр» нашриет уйи томонидан чоб килинган адабиетлар бу

жумлани ишлатади. Шарк ва Адолат нашриет уйи томонидан чикарилган бошка кулланмалар учун ДИКнинг рухсатномаси талаб этилмайди, хатто-ки улар шариат конунлари хакида булса хам. Баъзан чет элдан келтирилган араб тилидаги нашрларни китоб сотувчиларидан харид килса булади. Конунга зидрок адабиетларни очик савдода мавжуд эмаслигига карамай, уларни топиш мумкин, аммо улар учун маҳсус талаб зарур. Экстремист хисобланган авторлар каламига мансуб адабиетларни саклаганлик еки ноконуний йуллар билан мамлакатга олиб келганлик еки купайтирганлик учун хибсга олиш ва жазо белгиланиши мумкин. Хукумат ХТ варакаларини катъий такик этади.

Диний эркинликларни поймол килиниши

Хукумат жиддий равишда диний эркинликларни поймол килишда давом этди. Ушбу хисобот даврида, хукуматнинг исломий экстремист груухларга нисбатан давом эттирган компаниясининг натижасида инсон хукукларини таъминлашда бир катор жиддий конунбузарликларга йул куйилди. Ушбу компания асосан УИХ ва бошка террорист груухларда хамда ХТ аъзоликда айиблангандарга каратилди. Давом этаетган компания натижасида купгина такводор ва

ноэкстремист мусулмонлар хибсга олинди. Унлаб кулга олингандар хукук-тартибот ходимлари

уларга нисбатан жисмоний кийнок кулланганини тасдикладилар. Сунги йилларда бу каби

инсонларнинг сони балки бир неча мингни ташкил килса ажаб эмас.

Хукумат вакиллари купинча экстремизмда айибланганларга нисбатан йомон муносабатда

буладилар, уларни кийнайдилар, урадилар ва хусусан йомон шароитдаги камераларга

жойлаштирадилар. Улар одатда 7-12 йилга озодлиқдан маҳрум килинган шахсларни ташкил

этади. Айрим химояланувчилар, хусусан терроризмда айибланган шахслар, 20 йилгача булган

камок жазосига маҳкум этиладилар. ХТга бир оз алокадор шахс, яъни Куръон дарсларига

катнашган ва ХТ варакалари енидан топилганлар бир неча йиллик камок жазосига маҳкум

килинишлари мумкин.

2005 йил сентябрда вафот этган имом Шавкат Мадумаровнинг улими тафсилотлари буйича хеч

кандай олга силжиш булмади. У такик этилган исломий гурухда аъзоликда айибланиб 7 йилга

озодлиқдан маҳрум этилганидан сунг, камокхонада жазони уташнинг учинчи куни вафот этган.

Маълумот олиш мураккаблигига карамай, инсон хукуклари химоячилар ва бошка кузатувчилар

камокка махкум килингандар куп холатларда сил ва унинг бошка турларини юктириб олиш

натижасида вафот этишларини таъкидлайдилар.

2004 йил Олий Суд кийнок остида еки бошка ноконуний воситалар ердамида олинган

курсатмалардан фойдаланишни такик этди. Хукумат шу давр ичida, тергов изоляторларида

кийнокларга чек куйиш борасида жуда оз даражада маъмурий чоралар курди. Шундай булишига

карамай, айибланувчиларга нисбатан бу каби муносабат оддий хол ва доимий булиб колмоқда.

2006 йил 19 апрелида рўйхатдат утмаган диний ташкилотта аъзоликда айибланган Тошкент

вилоятининг Янгийул шаҳрида яшовчи 8 нафар фукарога нисбатан чикарилган хукм хакида хеч

кандай тафсилотлар йук. Улар суд жараенида узларига нисбатан кийнок кулланганликлари

тугрисида гувохлик бергандилар. Бундан ташкири, 2005 йил апрелда диний экстремизмда

айибланиб 6-13 йилга озодликдан махрум этилган 6 нафар шахснинг тақдири тугрисида хам хеч

кандай маълумот йук. Уларнинг сузларига караганда, хукук-тартибот ходимлари курсатма олиш

максадида уларга нисбатан кийнок куллаган.

Куйидаги жиной ишлар буйича хам хеч кандай олга силжиш кузатилмади: 2005 йил февралда 2 нафар суфий мусулмонлар камокка маҳкум килинди. Вахоланки, уларнинг сузларига кура, хукумат вакиллари уларга ХТ варакаларини ташлаб куйган ва кийнаган; 23 нафар экстремизмда айибланиб 2004 йил 24 октябрда хукм укилган шахсларнинг курсатмалари милиция томонидан кийнок натижасида олинган; ва 2004 йил октябрда Каршидаги масжид имоми устидан қузгалган жиной иш куриб чикилаётган вактда (адашиб 2005 ва 2006 йилларда Навоийдаги масжид имоми) деб аталганди. Унинг устига, унинг 16 нафр аъзоси узларини факатгина исломга эътиқод килувчилар деб икрор булғанлар.

Хукуматнинг экстремисмга карши компанияси Тошкентнинг собик имоми Обидхон Назаровни нишонга олди. 2005 йил ноябр охирларида унинг 9 нафар издошлари Козокистондан депортация килинди. Узбекистон судлари уларни суд килди ва 7 нафарини исломий экстремизмда айиблаб уртacha 6 йилга озодликдан маҳрум этди. Хукумат уларнинг саккизинчиси Шоирмат Шорахметовни эс-хуши заифлар даволанадиган муассасага жойлаштирди. Туккизинчиси эса Тошкентлик собик имом Рухиддин Фахруддинов 2006 йил 6 сентярда экстремизмда ва 1999 йилдаги Тошкендаги автомобилларни портлатишда айибланиб 17 йилга озодликдан маҳрум этилди. Милиция

ходимлари суд жараенини кузатувчиларни суд залига киришга йул куймади. Имом Назаровнинг угли Хусниддин Назоровнинг 2004 йил майда изсиз йуколганидан сунг, унинг иши буйича хеч кандай олга силжиш булмади.

Олдинги хисобот даврида булган минглаб холатларда, хукумат кишиларни ХТга аъзоликда факатгина уларнинг ташки куриниши еки таквоси учун еки елгон курсатмалар билан айиبلاغан эди. Ушбу хисобот даврида, хукумат кариндошлари экстремизмда айибланиб озодликдан маҳрум булган еки бошка суд жаренларида гувоҳ булиб иштирок этган шахсларга карши иш олиб борди.

Ишончли манбааларга кура, утган йиллардаги хисобот даврида, хисобларга кура, 5,000-5,500 сиесий маҳбуслардан 4,500 нафари ХТда айибланиб озодликдан маҳрум этилган шахсларни ташкил этади.

Ушбу хисобот даврида, камида 77 киши, балки бу ракам ундан ортиқрок булиши мумкин, ХТга аъзоликда айибланиб улар устидан хукм чикарилди. Купгина холатларда, кариндошлари турмада булган ва суд жараенларида химояланувчи фойдасига гувоҳлик берган шехсларга нисбатан кийноклар кулланганлиги ва таъкиб килинганларни айтилади. Кузатувчилар суд жараенида

иштирок этиш хукукидан маҳрум булғанликлари сабабли, колган суд жараенлари кай тарзда

утғанлиги ва химояланувчилар қандай шароитда айбловларни тан олғанликлари номаълум булиб

колди.

2007 йил 18 апрелда Тошкент шаҳар жиноий ишлар буйича суд Гулнора Валижоновани ХТга

аъзоликда айиблаб 6 йилга озодликдан маҳрум килди. Ҳюман Райт Ватч (Human Rights Watch)

инсон хукуклари ташкилоти ва судларни кузатиб борувчи мустакил инсон хукуклари

химоячилари таъкидлашича, хукумат уни ХТга аъзолигини исботлашга ишончли далил келтира

олмади ва фактгина унинг оила аъзоларининг купчилиги эстремизмда айибланиб камалгани

учун унга карши иш тутган.

2006 йил 25 октябрда Самарканд вилояти жиноий ишлар буйича суди 8 нафар эркакни ХТга

аъзоликда айиблади ва уларнинг 3 тасини 5 йилдан 8 йилгача булған муддатга озодликдан

маҳрум этди; колган химояланувчилар устидан шартли хўқум чикарилди. Уларнинг бир

нечтасининг суzlарига кура, курсатмалар кийнок остида берилган ва суд жараенида кийнок

ҳакида суз кетган. 2006 йил 22 сентябрда журналистларга ва инсон хукуклари химоячилари учун

епик кечган судда Тошкент шахар суди 7 нафар эркакни ХТга аъзоликда айиблади ва уларни 10

йилдан 13 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этди. Химояланувчилар куйилган айбловларга

икрор булсаларда, уларнинг адвокатлари хукук тартибот органлари уларни куркитган деб айтди.

2006 йил 3 ва 11 августда Тошкент вилоятидаги судлар 2 та алохида булиб утган суд натижасида

жами булиб 29 кишини ХТга аъзоликда айиблаб уларни 1 йилдан 13 йилгача булган муддатга

озодликдан маҳрум этган. Икки алохида булиб утган суд жараенида химоячиларнинг купчилиги

уларнинг курсатмалари каттиқ калтаклар остида берилганини таъкидлади. 2006 йил 10 августда

Тошкент шахар жиноий ишлар буйича суди 5 нафар эркакни ХТга аъзоликда айиблаб 12-15

йилга озодликдан маҳрум этди. Очик суд жараенида химоячиларнинг бештаси хам уларга

нисбатан кийнок қулланганлигини айтди. Лекин уларнинг сузлари буйича суд хеч кандай тергов

ишлари олиб бормади. Ушбу 5 кишининг кариндошлари инсон хукуклари химоячилариға хукумат

органлари уларни куркитганлиги ва судда эшитганларини хеч кимга айтмасликларини талаб

килганини айтди.

2006 йил 20 апрелда хибсга олинган ва ХТ варакаларини таркатишда айбланган Андижонлик 6 нафар аел 2006 йил 14 августда Жиноят Кодекси моддалари остида айбланиб хар бири 5 йилдан 6 йилгача муддатга камалди.

Экстремизмда елгон айбловлар билан камалганлар сонини аниклаш мушкил иш. Бундан ташкари, уларнинг нечтаси эътиқодлари учун шубха остига олинганликларини билиш хам мураккабдир.

Утган йиллардаги хисобот даврида, маълумотларга кура, экстремизмда айбланиб тергов

изоляторларига тушганларнинг куп кисми тахминларга асосланиб хибсга олинганди. Хукумат хонадонларда тупланиб ибодат килган шахсларни исломий ташкилотлар аъзоси еки исломий

экстремизни урганаётганлар деб шубха килиш холатлари кузатилган эди.

«Вахобизм» билан айбланганлар таъкибга дуч келди. Бу таъкиблар куйидаги куринишларда

булди: ишдан бушатиб юбориш, калтаклаш холатларидан тортиб то узок муддатларли камок

жазосига макум килишгача. Ушбу хисобот даврида, факатгина Тошкент шахри ва Тошкент

вилоятида алохида булиб утган 9 та суд жараенида камидаги 25 химояланувчига нисбатан

«Вахобий» гурухларда алокадорлик тугрисидаги ноаник айбловлар куйилди. 2007 йил апрелда

Сурхандаре вилоятидаги 6 нафар эркак Вахоби оқимиға аъзоликда айибланиб 3 йилдан б
йилгача булган муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ишончли манбааларга кура,
химоячиларнинг курсатмалари кийноклар остида олинган. 2007 йил 14 февралда Тошкент шахар
жиноий ишлар буйича суди 2 нафар аелни «Вахобизм»да айиблаб уларга жарима солди. 2006
йил 19 декабрда Тошкент шахар жиноий ишлар буйича суди Шоакмал Носирони ва Фарход
Муминовни Вахобий оқимиға мансублиқда айиблаб 6 йилдан 9 йилгача булган муддатга
озодликдан маҳрум этди. Улар 50 нафар болалар учун лагер ташкилкилиб Куръон кироати
буйича мусобака уюштирганларидан сунг хибсга олиндилар. Болаларнинг купчилигининг оталари
диний экстремизмда айибланиб камок жазосини утамоқда. 2006 йил 12 сентябрда Тошкент шахар
жиноий ишлар буйича суди 9 нафар химояланувчини суд килди ва уларнинг 8 тасини 6 йил
муддатга камок жазосига маҳкум килди. Уларнинг туккизинчиси 8 йилга камалди.

Хукумат Акромийлар исломий гурухида аъзоликда айибланган шахсларни маҳкум килишда давом
этди. Диний эксперталар фикрича, Акромийлар диний харакат булиб экстремизмни эмас, балки
бизнесни таргиб этадилар. 2007 йил 28 февралда Тошкент вилояти жиноий ишлар буйича суди
Абдумалик Ибрагимовни Акромийлар гурухида аъзоликда айиблаб 8 йилга камади. 2006 йил 21

июлда Тошкент шахар жиной ишлар буйича суди камида 8 киши устидан, бу ракам 45 тани

ташкил килиши хам мумкин, Акромийлар гурӯҳида аъзоликда айиблаб хукм уқиди. Абдусамат

Каримов 8 йилга камалди ва Илхомжон Йулдошев 5 йилга озодлиқдан маҳрум этилди. Колган

химоячилар устидан чикарилган хукм ҳакида хеч кандай маълумот берилмади.

Ушбу хисобот даврида, хукumat биринчи бор христиан пасторига нисбатан диний фаолияти учун

жиной айблов кўйди. 2007 йил 21 январда Андижон хуқук-тартибот ходимлари Тулик Евангелия

Пятидесятникчилар Черкови пастори Дмитрий Шестаковни хибсга олди. 2007 йил 9 марта

Андижон вилояти жиной ишлар буйича суди уни ноконуний диний гурӯҳ тузганлиқда, диний

нафрат уругини сочганлиқда ва диний экстремист адабиетларни таркатганлиқда айиблаб 4 йилга

мехнат колониясига маҳкум килди. 2007 йил 25 майда Шестаков очик турдаги меҳнат лагеридан

Навоийдаги епик турдаги меҳнат лагерига утказилди.

Акромийлар гурӯҳи аъзолигида айибланган Аҳад Зиедхожаев, Боҳодир Каримов ва Абдувосид

Зокировлар иши буйича хеч кандай олга силжиш кузатилмади. Улар 2005 йил 25 июлда Тошкент

суди томонидан диний экстремизм гурихида иштрок этганлиқда ва бошка жиноятларда айибланиб

15,5-16 йилга озодликдан маҳрум этилди. 2005 йил мартда Ақромийлар гурӯҳида аъзоликда айибланиб 8-9 йилга камалган Сирдарелик 7 нафар озик-овқат сотувчилари иши буйича ҳам ҳеч кандай силжиш кузатилмади.

Хукумат исломий миссионерлик гурӯҳи Таблиги Жамоатни экстремист гурӯҳ деб эълон килди.

2004 йил октябрда Андижонда 11 нафар Таблиги Жамоат аъзолари 5 йилга озодликдан маҳрум этилди; сунги пайт укилаётган хукмларнинг асосий кисм еки купрогининг натижаси жарима, амнистия еки енгил жазо билан якун топмоқда.

Ушбу хисбот даврида, манбааларнинг таъкидлашича, диний экстремизмда айибланиб камалганлар турмадаги «оддий» кишилардан алоҳида камераларда ушланади ва турма ходимлари уларга нисбатан йомонрок муносабатда буладилар. Озод булишларига бир оз муддат вакт колганда, улар турманинг ичида экстремист гурӯҳ тузганлиқда айибланиб кайтадан суд килиниб, уларнинг камок муддатлари чузилар эмиш. Утган йиллардаги хисбот даврида, маълумотларга кура, турма ходимлари исломий экстремизмда айибланганларга bemalol ибодат килишга йул куймас эканлар ва баъзи холларда Куръонга эгалик килишни такик этар эканлар.

Турма мутассадилари куп холларда кунига беш вакт намоз укишни еки Рамазон ойида руза тутиш

учун уз иш ва овкат ейиш жадвалларини узгартеришга рухсат бермас эканлар. Хукумат хали

хануз ташкаридан келган мустакил кузатувчиларни турма ичига киришга йул куймаетганликлари

туфайли, ушбу холат давом этаетибдими еки йук, буни билиш имкони булмади. Бундан ташкари,

камокхонадагиларга нисбатан калтак кулланиши, ва хусусан йомон муносабат - уларни алохида

ушлаш еки товба килганликлари тугрисидаги хатларга кул куйишга карши булғанлиги учун

дуппослаш давом этаетибдими еки йук, буларга жавоб олиш имкони берилмади.

Хукумат куп холатларда, исломий сиесий ташкилотларда аъзолик учун кидирилаётганларнинг

еки шу каби фаолиятлар учун камалганларнинг оила аъзоларини таъкиб этади. Бирок бундай

мустасно холатлар хам кузатилади. Ундей холатларда кариндошларининг килган жинояти -

ташкилотларга боғлик булишлиқдир.

Утган йиллардаги хисобот даврида, хукумат вакиллари аелларни исломий экстремизм айблови

билан камокка олинган эркаклар ва кариндошларини озод килиш талабини куйган норозилик

намоишларида катнашганликлари еки уларни ташкиллаштирганликлари учун хибсга олганлиги

хакида күп хабарлар булган эди. Ушбу хисобот даврида бундай холат кузатылмади; бирок, хукumat әрлари турмаларда булган аелларга карши иш олиб борди. 2007 йил 27 апрелда Тошкент шаҳар жиноят ишлари буйича суди 7 еки 8 нафар аелни ХТ аъзолигида айиблаб хибсга олди ва 7 нафари устидан шартли хукм чикарди. Хюман Райтс Ватч (Human Rights Watch) инсон хукуклари ташкилоти билдирган фикрига кура, 8 нафар аел ХТ «гурухини» ташкиллаштирганликда айибланган булсалар-да, уларнинг берган гувохликларидан яккол куриниб турибди-ки улар бир бирларини танимас эканлар. Уларни бир бирлари билан боғлайдиган биргина факт, бу уларнинг эрлари еки яқин кишилари камоқда эканлиги ва уларнинг хаммалари олдин булиб утган суд жараенларида гувох сифатида иштирок этганлар. Утган йиллардан фаркли уларок, бу сафар милиция ходимлари аелларни хакораттаб еки румолларини ечишни буюриш холатлари кузатылмади.

Утган йиллардаги хисоботда, олинган маълумотларга кура, милиция ходимлари одамларнинг үйларига наркотик моддалари, курол ва диний варакаларни ташлаб куйиб уларни хибсга олганлар. Бундан ташкари, купчиликлари ташки куринишлари, яъни кийинишлари ва сокол куганликлари еки ибодат килганликлари учун хибсга олинганликлари хакида хабарлар булганди.

Ушбу хисобот даврда, бу каби маълумотлар булмади. Бирок, бунинг сабабини аниглашга имкон булмади. Савол тугилади - бу ахвол яхшиланганликданми еки ахборот оқимининг камайганлигиданми?

Олинган маълумотларга кура, хукумат вакиллари евангелист христианларни уриб кийноклар куллайди еки булмасам шундай килган жамият аъзоларини жазоламади. 2006 йил 18 декабрда Пятидесятникчилар черкови бош рохибига карши енланган безорилар томонидан амалга оширилган хужум буйича хеч ким жавобгарликка тортилмади. 2005 йил 18 декабрда баъзи маълумотларга кура кийнок килинган ва оммавий ахборот воситаларида у хакида бир неча бор кайта-кайта езилган Пятидесятникчилар черкови аъзоси масаласида хам хеч кандай олга силжиш булмади.

Руйхатдан утмаган диний ташкилотлар томондан олиб борилган хар кандай диний маросим ноконуний хисобланади. Милиция ходимлари вакти-бевакт руйхатдан утмаган евангелист гурухлар мажлис утказетган жойларига бостириб кирди ва уларнинг аъзоларини хибсга олди.

Жуда кам холатдан ташкари, хукумат уларга одатда энг кичик иш хакининг 50-100 баробарида

жарима солди.

Утган йиллардаги каби, бу хисобот даврида христиан евангелистлар хисбга олинганилиги ва куп

холатларда бир хафта еки ундан узокрок муддатга панжара ортида ушланганликлари хакида

купгина маълумотлар олинди. Ишончли манбаанинг хабарига кура, 2007 йил 7 апрелда милиция

ходимлари руйхатдан утмаган Гулистан Баптист Черковига рейд уюштириб унинг пастори Виктор

Климовни диний маросим вактида хибсга олди ва уни Маъмурий Кодексининг бир нечта моддаси

остида айблов кўйди. 2007 йил 8 февралда Самарканд шахар милицияси Козокистон фуқороси

булмиш Грейтер Грейс Черкови (Greater Grace Church) пасторини хибсга олди ва уни панжара

ортида 11 кун ушлади.

Жиззах видоятидаги Худонинг Севимли Пятидесятникчилар Черкови (God's Love Pentecostal

Church) аъзолари 2007 йил 12 июнда Янгиобод туман суди томонидан «ноконуний» диний

дарслар олиб борганликлари учун 10 кунга озодликдан маҳрум этилди.

Маълумотларга кура, 2007 йил 15 январда Нукус шахар милицияси Пресвитерия черкови аъзоси

хусусий хонодонда диний маросим утказетган вактида рейд утказиб 18 нафар ибодатда иштирок

этаетган кишиларни хибсга олди. Хукumat уларнинг купчилигини Маъмурий Кодексни

бузганлигига айиблади ва жарима солди. Хибсга олинганлардан бири Салават Серикбаев суд

килинди ва диний дарсларни ноконуний олиб борганликда айибланди. 2007 йил 10 майда Нукус

жиноят ишлари буйича суди Серикбаевни айибдор деб топди ва 2 йил шартли хукм чикарди.

Ушбу муддатга унга синов муддати белгиланди ва чет элга чикиш такик этилди. Бундан ташкари,

шу муддат ичida у ойлигининг 20 фоизини давлатга тулаб туриши талаб килинди. 2007 йил 9

апрелда иккинчи хибсга олинган шахс пастор Григорий Тенга Маъмурий Кодексни бузганлиги

учун 621,000 сум жарима солинди. Бу миқдор Коракалпогистон фукароси учун жуда куп

хисобланади.

2006 йил 24 августда милиция ходимлари Темиз шахри якинида жойлашган Уч-Кизил

кишлогидаги уйга рейдни амалга оширди ва натижада 17 нафар Мустакил Черковлар Иттифоки

аъзоларини кулга олдилар. Кулга олиш вактида уларга зуравонлик ишлатилган. Уларник

купчилиги 24 соат ичидә озод килиндилар, аммо уларнинг 5 нафари 2006 йил 4 сентябрга кадар

панжара ортида ушланганлар.

Ушбу хисобат даврида, хукумат вакиллари бир неча бор диний маросим утказилаетган жойларга

рейidlар уюштириб ибодат килаетганларга, дарс бераетган укитувчиларга, миссионерлик

килаетганларга еки бошка ноконуний диний фаолият курсатаетганларга жарима солди. Хукумат

христиан евангелистлар гурухларга нисбатан багрикенлик курсатса-да, миссионерликка катъий

такик этувчи конун кабул килди ва очикчасига мусулмонларни христианликни даъват

килганларни тез-тез безовта килиб уларни хибсга олдилар ва жарима солдилар. 2007 йил 12

апрелда Бухоро вилояти мутассадилари Пятидесятниклар черковининг махаллий аъзосига

нисбатан маъмурий жазо куллаб 70,000 сум жарима солди. У хеч кандай маҳсус маълумотга эга

булмаган холда диний дарслар олиб борган. 2007 йил 12 апрел Дмитрий Шестаков рохиблиқ

килган Андижондаги Тулик Евангения черковининг 2 нафар аъзосига хукук-тартибот

органларига каршилик курсатганлари учун 25,200 сум жарима солинди.

Ушбу хисобот даврида, хукумат хусусан Тулик Евангелия (Пятидесятникчидар) черковларини

нишонга олдилар. Бу харакатлар утган йиллардаги харакатларнинг давоми булди. 2006 йил

декабрда куп йиллардан бери руйхатдан ута олмаётган Андижондаги Пятидесятникчиларнинг

Кайта Тирилиш черкови (Resurrection Pentecostal Church) пасторига «ноконуний» учрашувлар

ташкил килганлиги учун 109,500 сум жарима солинди. Махаллий хокимият ва махалла раислари

томонидан булган кучли босим остида Пятидесятникчиларнинг Кайта Тирилиш черкови уз

фаолиятини 2007 йил июнда тухтатишга карор килди.

Ишончли манбаа хабарига кура, 2006 йил 27 декабря Нукус шахри суди Маъмурий Кодекснинг

бир катор моддаларини бузганлиги учун руйхатдан утмаган христианлар черкови пастори Максет

Джаббарбергеновга 540,000 сум жарима солди. 2006 йил 25 октября Карши шахар суди

Маъмурий Кодекснинг 240 моддасига хилоф иш юритгани туфайли Ажралган Баптистлар

черковининг (Separated Baptists Church) 6 нафар аъзосига 108,000 дан 540,000 сумгача жарима

солинди. Ишончли манбаалар хабарига кура, 2006 йил 7 декабря Карши шахар суди 4 нафар

аъзога Карши айловларни бекор килди ва жарима миқдорини камайтириди.

Ишончли манбаа сузига кура, хукумат Тошкентдаги Исо Масихнинг Харизматик черковининг

(Jesus Christ Charismatic Church) З нафар аъзосига карши айбловлар бекор килинди. Улар 2006

йил апрелда болалар касалхонасида инсонпарварликни амалга оширишаетган вактда кулга

олинганлигига ва бир неча кун панжара ортида ушланганлигини айтади.

Иегова Гувохлари аъзолари хам текширувларга рубаро келди ва айрим холларда улар

миссионерлик айблови остида хибсга олинишлари хам мумкин эди. 2007 йил 6 июнда, Иегова

Гувохларининг Самаркандаги гурухи аъзоси Дилафруз Арзиева ноконуний диний дарслар

утказганлигига икрор булди ва 2 йил тарбиявий меҳнат билан шугулланиш билан жазоланди.

2007 йил 14 майда Иегова Гувохларининг Самарканддаги яна бошка бир аъзоси, Ифрон Хамидов,

хам худди шу модда остида айибланди ва 2 йилга меҳнат лагерига маҳкум килинди. Суд

жараенида гувохларнинг унинг фойдасига булган гувохликлари унинг жиноий ишидан олиб

ташланган.

2007 йил 2 апрелда маҳаллий милиция ходимлари тахминан учта шаҳарда жойлашган 5 нафар

Иегова Гувохлари аъзоларини Исонинг улимини хотирлаш куни булиб утадиган йиллик ибодат

маросимини вактида безовта килишди. Хабарларга кура, Самарканда ибодат килувчиларнинг бири милиция ходими унинг бошига ургани натижасида жарохат олди. Бу халакитлар 2006 ва 2005 йилдагиларга нисбатан унаканги жиддий эмас. Уша даврда Иегова Гувохлари вактинча камок уташ изоляторларига жойланиб, бир канчаларининг сузларига кура, каттик дуппосланганлар ва катта миқдорда жарима солинганлар. Йиллик хотирлаш марсимлари булиб утаетган бир неча шахарларда уюштирилган рейдлар натижасида, яна бир канчалари киска муддат мобайнида маъмурий жихатдан вактинча ушлаб турилганлар.

Ушбу хисобот даврида, хукумат бир неча холатда диний озчиликни ташкил килган гурухларнинг аъзоларини мамлакатдан депортация килгани хакида хабарлар булди. Баъзи фикрларга кура, бунга уларнинг диний ташкилотлар билан алоказаридир. Форум 18 нинг 2007 йил июн урталарида килган хабарига кура, Узбекистонда 10 йилдан ортик яшаган Тожикистонлик Пятидесятникчилар черкови аъзоси Тожикистонга депортация килинди. У май охирларида Тошкендаги уз черкови аъзоси уйида уюштирилган учрашув вактида хибсга олинган ва депортация килингунга кадар 22 кун камокхонада ушланган. 2006 йил 11 августда Тошкент шахар ички ишлар ходимлари Бетани Баптист черкови аъзоси Иван Бычковни Россияга

депортация килди. Айтишларича, ички ишлар ходимлари хеч кандай тушунтириш бермаганлар.

Бычков Россия фукароси булиб Тошкент шахрида куп йиллар мобайнида яшаб келган. 2006 йил 5

сентябрда Тошкент ички ишлар ходимлари Россия фукароси Бетани Баптист черкови пастори

Сергей Хрупуновнинг турмуш уртоги Виктория Хрупуновани депортация килдилар. Ахборотларга

кура, Бычков билан содир этилган холат каби Хрупуновага хам хеч кандай тушунтириш

берилмаган.

Динни мажбурий тарзда кабул килиш

Динни мажбурий тарзда кабул килиш ва вояга етмаган АКШ фукароларини угираб кетилиши еки

АКШдан ноконуний жунатиб юбориш еки бундай шахсларни кайтиб АКШга жунатишга каршилик

холатлари кузатилмади.

Диний эркинликларни таъминлашдаги вазиятни яхшиланиши ва ижобий узгаришлар

Хукумат 2003 йилда собик муфтий Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг турли диний мавзууда

оммавий чикишларга ва Интернет оркали мулокатга киришга рухсат берди. Унинг омма орасида

кенг таркалган исломий Интернет сахифаси хукумат томонидан блокировка килинмаяпти ва у

омма орасида кенг таркалган ислом хакидаги радио дастурни олиб бормоқда, хамда Ислом

Университетида дарс бериб келмоқда.

Хукумат шаҳарлардаги ва чекка худудлардаги кам сонли руйхатдан утмаган масжидларни

кайтадан очишга рухсат берди. Бундан ташкари, давлат томонидан тайинланмаган имомлар дин

идоралаарининг якиндан назорати остида уз фаолиятларини давом эттирдилар, хусусан кишлок

жойларда. Маълумотларга кура, мусулмон жамоатларида мухит бир кадар яхшиланди.

Такводор мусулмонлар назорат остига олинган мухитда уз динларига эътиқод килишлари учун

рухсат берилди.

Хукумат Иегова Гувохларининг харбий пацифизм хукукларини хурмат килишда давом этди.

Чакирув комиссияси уларни доимий равишда хизматдан озод килиб турди. 2 апрелда Иегова

Гувохлари бутун Узбекистон буйлаб утган икки йил олдиндагига нисбатан камрок босим остида

Исонинг улимини хотирлаш билан баглик йиллик маросимни нишонладилар.

Хисобат даврида, хукумат мусулмон аелларнинг румол урашларига багрикенлик билан карашда давом этди. Хижоб кийганинг тез-тез Тошкент кучаларида, Фаргона водийсининг консерватив кисмларида ва бошка худудларда учратиш мумкин. ДИК аелларни эътиқодлари туфайли таълим муассасаларидан чекламаслик позициясини кабул килди ва илгари укишдан хайдалган аелларга кайта тикланишга фаоллик билан ердам килди. Ушбу хисобот даврида, кучдаги аеллар румолдан кура купрок хижоб ураганлари гувохи булдик.

Протестларнинг адвокатлари жараенга еки далилларга эътиroz билдирганларидан сунг, хукумат томонидан карши уларга нисбатан кузгалган ишларни тухтатилиш холатлари кузатилди. Форум 18 хабарига кура, 2007 йил марта прокуратура ходимлари руйхатдан утган Тошкентнинг Мирзо-Улугбек туманидаги Грейс Пентакостал черковининг еш бошлиги Вячеслав Цхега карши иш кузатди. У Маъмурий Кодекснинг бир катор моддаларини бузганликда айибланди. Бирок, Цхе милициянинг харакатлари тугрисида бир катор давлат идораларига арз килганидан сунг, унга карши кузатилган иш тухтатилди ва милиция ходимларига хайфсан эълон килинди. 2007 йил 10 февралда, милиция ходимлари Бухоро шахри енида жойлашган Газли шахарчасидаги уйга рейд юштириши ва 6 нафар Пятидесядниклар черкови аъзоларини хибсга олдилар. Кейинчалик

уларга куйилган айбловлар бекор килинди ва хибсга олишда иштирок этган милиция

ходимлариға нисбатан маъмурий жазо кулланди. 2007 йил 5 февралда Тошкент шахри Чилонзор

тумани суди Пятидесятниклар черковининг 5 та аъзосига Маъмурий Кодекснинг бир катор

моддаларини бузганликда куйилган айбловларни бекор килди.

III кисм. Ижтимоий тахкирлаш ва дискриминация

Умуман олганда, Узбекистон жамияти турли дин вакиллариға багрикенлик билан муносабатда

буладилар, лекин миссионерлик фаолиятига каршиидир. Ахоли кадимдан дуневий карашларга ва

баҳрикенгликтеги асос солиб келган. Хусусан, мусулмонлар, рус православлари, Рим католиклари

ва яхудийлар рахнамолари жамиятда узларига нисбатан илик муносабат хакида айтадилар.

Евангелист еки Пятидесятникчилар черковлари ва этник узбек аъзолари мавжуд черковлар

диний тахкирлашлардан келиб чиккан мураккабликларга рубаро келмоқдалар. Христианликни

кабул килган этник узбекларга тахкирлашлар ва зулм курбони булаётганликлари хакида давомий

хабарлар булди.

Давлат томонидан назорат килинадиган оммавий ахборот воситалари баъзи холатларда

евангелист христианларга карши булган ижтимоий газабни кузгатган холатлари кузатилди.

Давлат телевидениеси томонидан 2006 йил ноябрда христиан евангелистларни коралаб чикувчи

икки кисмлик хужжатли фильм намоиш этилган сунг, Тошкентдаги энг йирик Пятидесятникчилар

черкови аъзолари узларига нисбатан кучли босимга ва кушниларнинг кучайган нафратига дуч

келдилар. Бундан ташкари, 2006 йил 18 декабрда енланган безорилар черковнинг бош рохибини

дуппослаб кетишиди. Давлат томонидан назорат килинадиган айрим маколалар рус православ

рохибларининг евангелистлар фаолиятини танкид килган сузларини чоб килди.

Яхудийларга карши хеч кандай тажкирлаш холатлари кузатилмади. Синагогалар фаолияти, яхуд

тилини ургатиш, яхудий маданий байрамлари хеч кандай тусикларсиз амалга оширилди ва барча

нашрлар ва жамият газеталари чоб килинишда давом этди. Купгина яхудийлар АКШга ва

Изроилга кучиб кетишган. Бунга асосан иктисадий вазият сабаб булиши мумкин еки чет элдаги

оила аъзоларига якинрок булишдир, лекин яхудийларга карши кафиятлар эмас. Тошкентда ва

Самарканда яхудийлар болалар богчасида яхуд маданияти расман ургатилади. Терговлар

натижасига кура, Тошкент яхудий жамияти бошлиги Авраам Ягудаевнинг 2006 йил февралдаги

улимида антисемитизм харакатлари мавжуд эмас, хамда 2006 йил июнда Тошкентдаги синагога

боши Давид Гуревичнинг 20 ешлик котибаси Карина Лойфер ва унинг онасининг улдирилишида

яхудийларга карши кайфиятлар кузатилмаган.

Утган йилдагидан фаркли уларок, ушбу хисобот даврида, бир нафар шахсга нисбатан

яхудийларга карши матнни ташкил килган ХТ варакасини таркатиш айлови куйилди. 2006 йил

10 августда хукумат Интернет сахифасида Узбекистон Республикаси Божхона Кумитаси 2 нафар

Козок фукаросини ХТ грухига мансуб китоб, журнал ва варакаларга эгалик килганликлари учун

хибсга олганлигини хабар берди.

IV кисм. АКШ давлати сиесати

АКШ элчиси ва элчинонанинг бошка ходимлари инсон хукуклари ва диний эркинликларга боғлик

булган мухим масалаларни мухокама килиш максадида махаллий диний ташкилотлар

бошликлари, инсон хукуклари химоячилари ва хукумат вакиллари билан учрашди.

Вашингтондаги мутассадилар АКШнинг диний эркинликлар борасидаги хавотирларини етказиб

куйиш учун бир неча бор Узбекистондаги элчихона ходимлари билан учрашди. АКШ мутассадилари Узбекистон буйлаб хизмат сафарларини уюштиридилар ва диний рахнамолар ва хукумат вакиллари билан учрашдилар. Элчихона ходимлари ДИК, диний ташкилотлар бошликлари ва инсон хукуклари химоячилари билан алокалар урнатди. Элчихона такводор мусулмонлар, христианлар еки чет эллик диний хайрия ташкилтлари булишидан катъий назар, диний гурӯхлар муаммога дуч келганларини эшитган захотиеқ, иложи булган вактда уларнинг номидан муаммони бартараф этишга аралашиб хукумат вакиллари билан мулокатга киришга ва судларда иштирок этишга интилади. АКШ дипломатлари 2007 йил 2 апрел куни Тошкентда Иегова Гувохлари диний маросимини мониториг килди. Бундан кузда тутилган максад, гурӯхнинг хар йили нишонланадиган Исонинг улимини хотирлаш маросимини ташкиллаштириш хукукларини таъминлашда ердам килиш эди. АКШ ва Узбекистоннинг икки томонлама алокалари сусайганига карамай, элчихона хукумат харакатларидан уз хавотирларини билдиришда давом этди.

АКШ элчиси ва элчихонанинг бошка ходимлари купгина имомлар ва дин намояндалари билан учрашувлар уюштириди. Бундан кузда тутилган максад, диний эркинликларни таъминлаш

масалаларини мухокама ва мониторинг килишдан иборатдир. Диний жамиятлар аъзолари ва

бошка Узбекистонда мафкурани шакллантирувчи муттассадилар доимий равишда АКШ

элчихонаси кошидаги Ахборот Маркази томонидан ахборот билан таъминланиб турдилар.

Элчихона вакиллари хукуматни диний эркинликларни чекламасликка ва купрок масжидларни

руйхатдан утказишига чакирдилар. Вашингтонда ва Тошкентда жойлашган АКШ муттассадилари

хукуматни узининг дин тугрисидаги конунларини ва руйхатдан утиш учун камида 100 та аъзодан

иборат булишлик талабини куриб чикишга даъват этди. Бундан ташкари, миссионерлик фаолияти

тугрисидаги конунни, диний адабиетларни мамлакатга олиб кириш коидаларини хамда хусусий

диний мактаблар тугрисидаги конунни кайтадан куриб чикишга чакарди. АКШ хукуматининг

фикрича, айнан шуларни амалга оширилиши еш мусулмонларнинг радикаллашувининг олдини

олувчи чоралардир.

АКШ Давлат Департаменти диний багрикенликни ва диний эркинликларни таргиг этишга

каратилган алмашинув ва таълим дастурларига хомийлик килади. АКШ Давлат Департаменти

томонидан молиялаштирилган ва Вашингтон Университети томонидан бошқариладиган 4 йиллик

солишиширув диний тадқикотлар дастури 5 та махаллий университетлар домлаларини уз

хамкасабалари билан диний багрикенглик хусусида тажриба алмашишишга имкон яратди. 2006

йил АКШ элчихонси 8 нафар мусулмонлар рахнамоларидан иборат гурухни АКШга таклиф этди.

Ушбу ташриф Халкаро Ташрифлар Дастурига биноан амалга оширилди; бошида улар таклифни

қабул килдилар, аммо кейинчалик давлат томонидан урнатилган сиесий вазият туфайли уз

ташрифларини колдирдилар. Элчихона АКШда диний эркинлик хакидаги ахборотни тез-тез

таркатиб туради.

АКШ хукумати диний эркинликни асосан инсон хукуклари дастурлари оркали таргиги килади.

Бирок хисобот даврида, Узбекистоннинг ННОларнинг фаолиятини тухтатилиши ушбу

харакатларни жиддий тарзда мураккаблаштириди.

2006 йил 14 ноябрда АКШ Давлат Департаментининг Бош Котиби диний эркинликларни

чекланганлиги туфайли Узбекистонни Халкаро Диний Эркинликлар Акти остида тузилган Алохида

Хавотир Олишга Сабаб Булувчи Давлатлар руйхатига киритди.

Бу воеадан сунг, АКШнинг Халкаро Диний Эркинликлар буйича бош элчиси уз мамлакатининг

Узбекистондаги элчиси билан бир неча бор учрашди ва диний эркинлик буйича вазиятни

яхшилаш хакида мулокат урнатишни мухокама килди. Хукумат таклифига биноан, 2007 йил 25

июнда бош элчи шу мулокатни амалга ошириш максадида Узбекистонга ташриф буюрди.